

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 1 (3) 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 1 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL
SCIENCES**

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазратқулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Хошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исламутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвакт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Ҳавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;
Тайланова Шоҳида Зайниневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – психология фанлари доктори (DSc), доцент. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузур Ҷавлат бошқаруви академияси;

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиги.

СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содикова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакуллович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура курилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иктисадиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси хисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шахри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

МУНДАРИЖА

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Шаисламова Наргиза Кабиловна*
КОРХОННИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ РИСК
ДАРАЖАСИНИ ПАСАЙТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА 7-20

- Mavru洛va Nilufar Abduxalilovna*
TIBBIY SUG'URTA: AMALDAGI TURLARINI RIVOJLANTIRISH VA MAJBURIY
TURINI JORIY ETISH IMKONIYATLARI 21-29

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

- Маматқулов Давлатжон Махаматжонович*
ИСЛОМ ФОЯЛАРИНИ ЎРТА ОСИЁГА КИРИБ КЕЛИШ ТАРИХИ ВА УЛАРНИНГ
МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ 30-36

- Umarjonov Sohibjon Soyibjon o'g'li*
IBN SINONING "ISHORALAR VA TANBEHLAR" ASARI VA POSTKLASSIK ISLOM
FALSAFASINING BOSHLANISHI 37-50

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

- Ahmedov Oybek, Tilavova Malika*
SEMANTIC STRUCTURE OF WORDS RELATED TO EDUCATION IN
ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES 51-62

- Ашуррова Ситора Эркиновна*
ВАЖНОСТЬ КОМПЬЮТЕРОВ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЯ ЯЗЫКОВ 63-69

ЮРИДИК ФАНЛАР

- Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи*
СУДНИНГ ҲУҚУҚНИ ШАРҲЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ
НАЗОРАТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА 70-77

- Авезова Элеонора Парахатовна*
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИГА ҚАБУЛ
ҚИЛИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ 78-86

- Ахмедова Шахноза Озоджоновна*
СООТНОШЕНИЕ ОЦЕНКИ ВОЗДЕЙСТВИЯ НА ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ И
ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ 87-95

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

- Tashpulatov Farxad Alisherovich*
GANDBOLCHILAR O'YIN FAOLIYATI SAMARADORLIGINI HAR TOMONLAMA
BAHOLASH METODIKASI 96-104

<i>Парманов Абулқосим, Абдурашидова Мавжуда</i>	
ЎҚУВЧИЛАРДА ТЕСКАРИ ФУНКЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛИ ҲАҚИДА	105-110
<i>Hamrayeva Zuhro Bahodirovna</i>	
BOLALARNI GO'DAKLIK DAVRIDAN SUZISHGA O'RGATISH ORQALI JISMONIY RIVOJLANISHINI TAKOMILLASHTIRISH	111-119
<i>Тўрабоева Мадинахон Рахмонжон қизи</i>	
ТАЛАБАЛАРНИНГ ШАХСИЙ-КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎҚУВ ЛОЙИХАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ	120-126
<i>Абдурахмонова Сайёрахон Шахобидиновна</i>	
АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ – БЎЛҒУСИ ТАРБИЯЧИЛАРИДА КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА	127-135
<i>Shermatov Gulom Kaxxorovich</i>	
“5-1” HIMOYASINI BAJARISHDA GANDBOL O'YINCHILARINING TAKTIK O'ZARO TA'SIRI	136-143

Фалсафа фанлари

Маматкулов Давлатжон Махаматжонович
 Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
 университети доценти, педагогика фанлари
 бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
 E-mail: mamatqulovdavlatjon@gmail.com

ИСЛОМ ФОЯЛАРИНИ ЎРТА ОСИЁГА КИРИБ КЕЛИШ ТАРИХИ ВА УЛАРНИНГ МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ



<https://doi.org/10.47390/1342V3I1Y2023N3>

Аннотация. Тарихий тараққиёт кўплаб фанлар нуқтаи назаридан тадқиқ этилган бўлсада, лекин, ҳозиргача ҳалқимиз тарихидаги мафкуравий жараёнлар, жумладан, ислом фояларини Ўрта Осиёга кириб келиши ва уларнинг мафкуравий жараёнларга таъсири тадқиқ этилмаган. Мазкур мақолада ушбу йўналишда амалга оширилган илмий изланишларнинг натижалари баён этилади.

Калит сўзлар: гоя, мафкура, дин, ислом дини, «кучли сабр-тоқат», «жанговарлик рухияти», мафкуралар хилма-хиллиги, ҳирож, жизя, доминант гоя, мафкуравий монополлашув.

Маматкулов Давлатжон Махаматжонович
 Доцент Университета общественной
 безопасности Республики Узбекистан,
 доктор философии (PhD) по педагогическим наукам

ИСТОРИЯ ВНЕДРЕНИЯ ИСЛАМСКИХ ИДЕЙ В ЦЕНТРАЛЬНУЮ АЗИЮ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ

Аннотация. Историческое развитие исследовано со многих научных точек зрения, но идеологические процессы в истории нашего народа, в том числе внедрение исламских идей в Среднюю Азию и их влияние на идеологические процессы, до сих пор не изучены. В данной статье описаны результаты научных исследований, проведенных в этом направлении.

Ключевые слова: идея, идеология, религия, ислам, «крепкое терпение», «боевой дух», многообразие идеологий, хирадж, джизья, господствующая идея, идеологическая монополизация.

Mamatkulov Davlatjon Makhmatjonovich

University of Public Security of the Republic of Uzbekistan,
Associate Professor, PhD in Pedagogical Sciences

THE HISTORY OF THE IMPLEMENTATION OF ISLAMIC IDEAS IN CENTRAL ASIA AND THEIR INFLUENCE ON IDEOLOGICAL PROCESSES

Abstract. Historical development has been studied from many scientific points of view, but the ideological processes in the history of our people, including the introduction of Islamic ideas into Central Asia and their influence on ideological processes, have not yet been studied. This article describes the results of scientific research conducted in this direction.

Key words: idea, ideology, religion, Islam, "strong patience", "fighting spirit", variety of ideologies, khiraj, jizya, dominant idea, ideological monopolization.

Маълумки, хар қандай динга жумладан ислом динига ҳам мафкура бевосита алоқодор ҳисобланади. Чунки, мафкура – бу ривожланган динларнинг (буддизм, христианлик, ислом) унсурларидан бири, ижтимоий доктринанинг бир қисмидир. Мафкура ва диннинг алоқаси дунёвий мафкура айрим диний гояларни ўзлаштиришида, дин эса дунёвий гояларни ўзлаштирганлигига номоён бўлади. Аммо мафкурунинг энг чуқур манбай кишиларнинг динлар ва дунёвий мафкураларда бир хил талқин қилинмайдиган реал хаётидир [4:104].

Мазкур маколада ислом дини эмас, балки ушбу диннинг бир қисми бўлган мафкура масаласига оид илмий таҳлиллар келтирилади.

Тарихий манбалардан маълумки, Ўрта Осиёга ислом ғояларини кириб келиши икки босқични ўз ичига олади. Биринчи босқич VII асрнинг ўрталаридан VIII аср бошларигача бўлган давр бўлиб, бу даврда араблар маҳаллий ҳукмдорларни синаш, халқни ўрганиш ҳамда Ислом динини ёйишга тайёргарлик кўриш мақсадида ҳарбий юришлар қилганлар. Юртимизга нисбатан Мовороуннахр атамаси ҳам мана шу даврларда шаклланган.

Мовороуннахр атамасига бўлган ишора илк бор ҳалифа Умарнинг Аҳнаф (Абу Баҳр ат-Тамиий Аҳнаф ибн Қайс ибн Муовия ибн Ҳусайн (в. 67, 71 ёки 72/686, 690 ёки 691). Асли исми Заҳҳок бўлган. Оёғи оқсоқ бўлгани учун Аҳнаф (оқсоқ) деб ном олган. Расулуллоҳ (с.а.в.) даврида мусулмон бўлган ва Умар (р.а.) томонидан Хурсонга жўнатилган. Сиффин жангига Али (р.а.)нинг лашкарбошиси бўлган) [5:199] га йўллаган мактубида учрайди. Милодий 642 йилда араблар Марв ва Балхни эгаллагач, ҳалифа Умар ибн Ҳаттоб Аҳнаф ибн Қайсга шундай мактуб йўллаган: «Аммо баъд! Дарёдан ўтманглар. Дарёнинг бу тарафи билан чекланинглар. Хурсонга нима мақсадда кирганингизни яхши биласизлар. Хурсонга нима мақсадда кирган бўлсангиз, шу ниятда бардавом

бўлинглар. Шунда ғалабангиз ҳам бардавом бўлади. Дарёнинг у тарафига ўтишдан сақланинглар» [6:695]. Ҳалифа Умар мазкур мактубида дарё ортидаги юртларга ишора қилиб, мактубда ан-нахр – дарё ва дун ан-нахр – дарёнинг олди тарафи ибораларини ишлатади. Мазкур иборалардан ўша вақтда «Мовароуннахр», яъни «дарёнинг орқа тарафи» атамаси келиб чиқкан, деган асосли эҳтимол илгари сурилади.

Ҳалифа Умар дарврида араблар Хуросон билан чекланишган бўлсада, лекин, бу даврда уларнинг Мовароуннахри ўрганиш ишларини тўхтатмаган. Ўша давр манбаларда юртимиз ҳақида қўйидагича маълумотлар тўпланган: «Мовароуннахр иқлиmlар ичида ҳавоси энг мусаффоси, энг ҳосилдори ва бошқа яхши жиҳатлари нисбатан кўпроғи саналади. У ерлик аҳоли яхшилик ва саҳоватга ўч ва ёрдампарвар бўлиб, ёмонликдан йироқ ва бағрикенг инсонлардир... Мовароуннахр аҳолисининг либослари пахтадан бўлиб, пахта бу худудда кўп етиштирилади ва у ердан бошқа юртларга етказиб берилади. Шунингдек, шойи, жун, тола ва Хўжанд ипаги кўп ишлаб чиқарилади. Ипак аҳоли орасида қадрли бўлиб, ортиб қоладиган даражада кўп эмас. Бу худудда мислсиз ва бебаҳо қоғоз ишлаб чиқарилади. Ўлкада темир конлари ҳам кўп. Аҳоли темирдан қурол ва бошқа асбоб-аскуналарни истаганча ясай оладилар. Шу билан бирга, олтин, кумуш ва симоб конлари ҳам мавжуд бўлиб, улар бошқа юртларда топилмайдиган даражада кўп захирага эга. Панжаҳарнинг кумуш кони захирасини ҳисобга олмаганда, Мовароуннахрдаги симоб, олтин, мис ва бошқа конлар захирасига ҳеч қайси юртнинг конлари ета олмайди. Сўғд, Усрушана, Фарғона ва Шош меваларининг тўкин-сочинлиги ҳеч бир юртда топилмайди» [7:45-47, 8:465].

Мазкур маълумотлар араблар Моварауннахрга кириб келгунга қадар бу юртни жуда яхши ўрганганлигидан далолат беради.

Ислом таълимотини кириб келишининг иккинчи босқичи VIII аср бошларига тўғри келади. Бу даврда араблар Мовароуннахр худудини тўлиқ босиб олишга киришганлар.

Тарихий таҳлиллардан маълум бўлдики, милодий VIII асргача бўлган даврда Ўрта Осиёда Зардуштийлик, Шомонийлик, эллинистик ғоялар ҳамда Христианлик, Буддийлик ва Монийлик каби диний мафкуралар мавжуд бўлган. Илмий тадқиқотлар халқимизнинг ижтимоий ҳаётида тинч давларда мафкуралар хилма-хиллиги ўзининг прогрессив натижаларини берганлигини кўрсатган бўлсада, бироқ, нотинч вазиятлар, жумладан, ташки кучлар босқини давларида ягона, доминант ғояни йўқлиги регрессив роль ўйнаши мумкинлигини кўрсатади.

Араблар Моварауннахр худудини тўлиқ босиб олишишида Қутайба ибн Муслим (*Қутайба ибн Муслим (669-715)*) Хуросонда ўн йил волийлик қилган.

Халифа Валид вафот этиб, ҳокимият унинг укаси Сулаймон қўлига ўтгач, Кутайба итоатсизлик қилиб, мустақил бўлишига уринган. Натижада Кутайба лашкарлари орасида келишимовчиликлар пайдо бўлиб, Вакиъ ибн Ҳассон ат-Тамимий томонидан Фарғонада ўлдирилган) [9:348-349, 10:189-190, 11:33-40] катта роль ўйнади. Кутайбанинг фаолиятини тўрт босқичга бўлиш мумкин. Улар:

Биринчи босқич, милодий 706 йилда Кутайба Тоҳаристон, Марв ва Чагониённи бўйсундириб, у ерга ислом динини олиб кирди.

Иккинчи босқич, милодий 706-708 йилларда Бухорога бир неча бор юриш қилди. Милодий 706 йилда Байкент (ёки Пойқант), сўнг Ромитан ва Тумишкат эгалланди. Милодий 708 йилда Бухорони тўлиқ эгаллади.

Учинчи босқич, билодий 709-711 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Кутайба Мовароуннахрда ислом қонун-қоидаларини қарор топтириш билан шуғилланган ҳолда милодий 710 йилда Сижистон ва милодий 711 йилда Хоразм ва Самарқандни тўлиқ эгаллади [12:131].

Тўртинчи босқич, милодий 712-715 йилларни ўз ичига олган бўлиб, бу босқичда Кутайба Шош, Фарғона ва ҳатто Хитойнинг Қашғар шаҳрини эгаллаб, ислом оламининг шарққа чўзилган чегарасини ниҳоялаб берди [12:131].

Кутайба ибн Муслим Андижоннинг ҳозирги Жалақудук туманида Вакиъ ибн Ҳассон ат-Тамимий томонидан ўлдирилгунга қадар [2:150] Мовароуннахр худудларида ислом қонун-қоидаларини қарор топтириш сиёсатини олиб борган [13:420].

Мовароуннахрга ислом ғояларини ёйишда араблар томонидан дастлаб қўйидаги **мафкуравий усуллар** қўлланилган. Улар:

1) Эски мафкуралар таъминотини узиб қўйиш. Мазкур усул бўйича буюк аждодимиз Абу Райхон Беруний ўз асарлари орқали шундай гувоҳлик берган: «Кутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни халок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин, хақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди... Кейин Кутайба Ибн Муслим ал-Боҳилий Хоразмликларнинг котибларини халок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолди» [1:72-84].

2) Ғоявий маслакдошларни моддий рағбатлантириш. Бу усул орқали ислом ғояларига ишонган кишилар хирож (ҳосилнинг 1/3 қисми ҳажмидаги ер солиги) ва жизя соликларидан озод этилган ва масжидга келиб намоз ўқувчилар учун 2 дирҳамдан пул ҳадя қилинган.

3) Ғоявий маслакдош бўлмаганлардан моддий тўлов ундириш. Ислом ғояларига ишонмаган кишилардан жизя (мусулмон бўлмаган аҳолидан олинадиган жон) солиги ундирилган. Ўша давр манбалари гувоҳлигига кўра,

мазкур солиқни тўламаган кишилар бўйинларига «қарздор» деб ёзилган тахтacha осиб қўйилган ҳолда жазоланган.

4) Устоз-шогирд аънанасини йўлга қўйиш. Тарихчи Табарийнинг ҳабарига кўра араб аскарларининг аксарияти саҳобий ва тобеъий ҳамда табаъа тобеъийлардан иборат бўлган. Жумладан, Усмон ибн Аффон, Ҳакам ибн Амр, Абдуллоҳ ибн Омир ва Қусам ибн Аббос улуғ саҳобийлардан бўлса, қолган деярли барча саркардалар тобеъий ва табаъа тобеъийлардан бўлганлар. Шубҳасиз, мазкур шахслар исломий таълимотларни маҳаллий аҳолига ўргатишга алоҳида эътибор қаратишган [15:12-26]. Жумладан, тарихчи Наршахий ҳам мазкур масалада маълумот қолдирган бўлиб, унда Кутайба араблар бухороликлар билан бирга яшаб, уларнинг хатти-харакатларидан хабардор бўлиб турсалар, улар заруратдан мусулмон бўладилар, деган мақсадда Бухоро аҳолисига ўз уйларининг ярмини арабларга беришга ундан буйруқ чиқаришни тўғри топди ва шу йўл билан у мусулмончиликни ўрнатди ҳамда шариат хукмларини бажаришга уларни мажбур этди [3:123], дейилган.

Албатта, дастлабки вақтларда қўлланилган мазкур усуслар ислом ғоялари тарғиботида муайян натижалар берган. Лекин, маҳаллий халқни ислом ғояларига тўлиқ ишонишини мазкур омиллар билангина боғлаб бўлмайди.

Бизнингча, юқоридаги омиллардан ташқари ислом гояларини халқимизнинг маънавий-мафкуравий тафаккурида муносиб ўрин эгаллашида ушбу ғояларни миллий хусусиятимизга яқинлиги ҳам катта аҳамият касб этган.

Маълумки, ислом дини кириб келгунга қадар халқимизнинг маънавий-мафкуравий тафаккурида суғорма дехқончилик ҳамда уни тарғиб этган Зардуштийлик таъсирида «кучли сабр-токат» хусусияти ҳамда кўчманчи-чорвадорлик турмуш тарзига асосланган Шомонийлик (Кўк-Тангри) мафкураси таъсирида эса «жанговарлик руҳияти» (бу тушунча факат ҳарбий маъненигина билдирамайди) қарор топган эди. Бизнингча, ислом гояларини халқимиз томонидан тез қабул қилингани сабаблари ҳам юқоридаги икки хусусиятга бориб тақалади. Чунки, исломда ҳам «сабр» туйғуси ва жидду жаҳд – жиҳод (бу тушунча ҳам худди «жанговарлик руҳияти» тушунчаси каби факат ҳарбий маъненигина англатмайди) асосий тушунчалардан бўлиб, улар амалиётда кўп тарғиб этилади. Исломнинг маҳаллий халқ менталитетига мана шу каби яқинликлари ҳам унинг гояларини кишилар томонидан тез қабул қилинишига сабаб бўлган.

Дарҳақиқат, бу даврдаги «эски» ва «янги» мафкуралар қиёсий таҳлил этиладиган бўлса, «туркларнинг «Тангри»си ва исломнинг «Оллоҳи» ифода этаётган маъно бир-бирига анча мувофиқ эди. Шомонийликда пайғамбарнинг йўқлиги ҳам Ҳазрати Мухаммаднинг тезгина қудсият топишию эъзозланишига имкон берди. Исломнинг жиҳоди ҳам туркларнинг жангари руҳларига ва жаҳон

ҳокимияти даъволарига ҳамоҳанг эди. Қолаверса, руҳнинг боқийлиги, охират ҳаёти, жаннат ва дўззах ақидалари, Тангрига ва аждод руҳига қурбон сўйиш ишончлари шомонийликда мавжуд эдики, бу ҳол исломда айниқса, ўзининг мукаммал моҳияти билан юз очганди. Шомонлар авлиёларга, алп (қаҳрамон)лар ғозийларга ўхшарди. Шунинг учун ҳам турклар исломни хуш кўрдилар» [14:100].

Мазкур мақоладаги илмий таҳлиллар асосида хулоса қиласиган бўлсак, биринчидан, VIII – IX асрларга қадар ҳалқимизнинг маънавий-мафкуравий тафаккурида мафкуралар хилма-хиллиги мавжуд бўлган бўлса, ушбу даврларда ислом гояларини кириб келиши ҳалқимиз ижтимоий ҳаётида илк бор муайян ғояни доминантлашуви, мафкуравий монополлашув юзага келгани аниқланди;

Иккинчидан, мафкуравий амалиётда араблар томонидан маҳаллий ҳалққа ислом гояларини сингдиришда:

- эски мафкуралар таъминотини узиб қўйиш;
- ғоявий маслакдошларни моддий рағбатлантириш;
- ғоявий маслакдош бўлмаганлардан моддий тўлов ундириш;
- устоз-шогирд аънанасини йўлга қўйиш каби мафкуравий усуллардан фойдалангани маълум бўлди;

Учинчидан, илмий таҳлил натижаларига таянилган холда, мақолада суғорма дехқончилик ҳамда уни тарғиб этган Зардуштийлик таъсирида шаклланган «кучли сабр-тоқат» хусусияти ҳамда кўчманчи-чорвадорлик турмуш тарзига асосланган Шомонийлик мафкурасининг «жанговарлик руҳияти» ҳалқимиз томонидан ислом гояларини тез қабул қилинишида асосий рол ўйнагани тўғрисида илмий фараз илгари сурилди.

Мазкур йўналишдаги илмий таҳлил ва хулосаларнинг аҳамияти шундаки, улар орқали тарихий тараққиётимиздаги мафкуравий жараёнларнинг мазмуни, бу борадаги тарихий тажриба: ютуқ ва камчиликлар аниқланади. Аниқланган илмий хулосалардан эса, бугунги кунда миллий мафкуруни янада ривожлантириш билан боғлиқ назарий ва амалий фаолиятини аниқ белгилаш имконияти вужудга келади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, – Т.: Фан, 1968, 72-84-бет.
2. Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Биз ким, ўзбеклар. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 150.
3. Наршахий. Бухоро тарихи. – Т.: Камалак, 1991. –123 б.

4. Назаров Қ. Мағкура. Республика Миллий ғоя ва мағкура илмий-амалий маркази. – Т.: 2014. 104-бет.
5. Шамсуддин аз-Захабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.10. – Байрут: Дар ал-фикр, 1991. – Б. 199).
6. Ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. – Ар-Риёд: Байт ал-афкар ад-давлия, 2005. – Б. 695.
7. Ёкут ал-Хамавий. Муъжам ал-Булдон. Ж.5. – Байрут: Дар Байрут, 1984. – 45-47.
8. Абул Қосим ибн Ҳавқал ан-Насибий. Китаб сурат ал-арз. – Лондон: Брилл, 1939. – Б. 465.
9. Шамсуддин аз-Захабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.5. – Байрут: Дар ал-фикр, 1991. – Б. 348-349;
- 10.Хайруддин Зириклий. Аълам. Ж.5. – Байрут: Дар ал-ilm ли ал-малайин, 1998. – Б. 189-190;
- 11.Доктор Шавқий Абу Халил. Фатҳ Самарқанд. – Байрут: Дар ал-фикр ал-муъасир, 2004. – Б. 33-40.
- 12.Ахмад Роиф. Атлас тарих ал-ислам. – Қохира: Дар аз-захро ли ал-иълам ал-арабий, 1987. Б. – 131.
- 13.Абул Ҳасан Балозурый. Футух ал-Булдон. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1991. – Б. 420.
- 14.Усмон Турон. Туркий халқлар мағкураси. – Т.: Чўлпон, 1995. – 100 бет.
- 15.Ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. – Ар-Риёд: Байт ал-афкар ад-давлия, 2005. – Б. 12-26.